

Халқаро “Ипак ва зираворлар” туризм фестивали
“Silk and Spices” International Tourism Festival
Международный туристический фестиваль “Шелк и специи”



МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ
СБОРНИК СТАТЕЙ
CONFERENCE PROCEEDINGS

“Бухорода туристик эркин иқтисодий ҳудудни яратиш имкониятлари ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция. 27.05.2017, Бухоро шаҳри

The international scientific-practical conference "Opportunities of Creation and Perspectives of Development of the Free Tourism Economic Zone in Bukhara". 27.05.2017, Bukhara

Международная научно-практическая конференция на тему “Возможности создания и перспективы развития туристической свободной экономической зоны в Бухаре”. 27.05.2017, г. Бухара



“Бухорода туристик эркин иқтисодий ҳудудни яратиш имкониятлари ва ривожланиш истикболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. 2017 йил 27 май: -Бухоро: “Sadriddin Salim Buxoriy” Durdona нашриётиб 2017. -768 б.

Масъул муҳаррирлар:

А.Т.Жўраев – Бухоро давлат университети, Туризм факультети декани, и.ф.н., доцент
Ҳ.Р.Ҳамроев – Бухоро давлат университети, Туризм кафедраси мудири и.ф.н., доцент

Тақризчилар:

Б.Н.Наврўз-зода – Бухоро давлат университети профессори, и.ф.д.
Д.И.Рўзиева – БухМТИ, кафедра мудири, и.ф.н., доцент

Дастурий қўмита

1. А.А. Тўлаганов – Бухоро давлат университети ректори, раис;
2. А.Т. Жўраев – БухДУ Туризм факултети декани, аъзо;
3. Ҳ.Р. Ҳамроев – БухДУ Туризм кафедраси мудири, аъзо;
4. Б.Н. Наврўз-зода – БухДУ Туризм кафедраси профессори, и.ф.д., аъзо;
5. С.С. Рўзиев – БухДУ Туризм кафедраси доценти, и.ф.н., аъзо;
6. О.Қ. Хуррамов – БухДУ Туризм кафедраси ўқитувчиси, аъзо.
7. О.Х. Азимов – БухДУ Туризм кафедраси ўқитувчиси, аъзо.

Ташкилий қўмита

1. О.Ҳ. Рахимов – БухДУ Молия ва иқтисодиёт ишлари бўйича проректор, раис;
2. К.А. Самиев – БухДУ Илмий ишлар бўйича проректор, аъзо;
3. Г.Т.Зарипов – БухДУ И ва ИПКТБ бўлими бошлиғи, аъзо;
4. Ш.Ш. Болтаев – БухДУ Туризм факултети декан муовини, аъзо;
5. Н.Ў. Маҳмудова – БухДУ Туризм кафедраси катта ўқитувчиси, аъзо;
6. Қ.Б. Дилмонов – БухДУ Туризм кафедраси ўқитувчиси, аъзо.
7. Ж.Р. Тохиров – БухДУ Туризм кафедраси ўқитувчиси, аъзо.

Конференция шўбалари:

1. Эркин туристик иқтисодий зоналар ва туризм кластерларини яратишнинг илмий-амалий асослари.
2. Туризмда брендинг, менежмент, маркетинг, туризм ресурслари ва инфраструктурасини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари.
3. Бухоро ҳудудида туризмнинг турли йўналишларини ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш имкониятлари.

The sections of conference:

1. Scientific and practical basis for the creation of free tourism economic zones and tourism clusters.
2. Strategic directions of development of branding, management, marketing, tourism resources and infrastructure.
3. Opportunities of developing various areas of tourism and attracting investments in the Bukhara region.

Секции конференции:

1. Научно-практические основы создания туристических свободных экономических зон и туристических кластеров.
2. Стратегические направления развития брендинга, менеджмента, маркетинга, туристических ресурсов и инфраструктуры.
3. Возможности развития различных направлений туризма и привлечения инвестиций в Бухарском регионе.

Мазкур тўпламга киритилган мақолалар ва маъруза тезисларининг мазмуни, ундаги статистик маълумотлар, саналарнинг тўғрилигига ҳамда танқидий фикр-мулоҳазаларга муаллифларнинг шахсан ўзлари масъулдир.



БУХОРОДА ТУРИЗМГА ИХТИСОСЛАШГАН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУД ЯРАТИШ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*Ҳ.Р.Ҳамроев - Бухоро давлат университети
"Туризм" кафедраси мудири, и.ф.н., доцент.*

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни янада тезлаштиришнинг жаҳон тажрибаси исбот қилган, БМТ томонидан тан олиниб, эътироф этилган йўлларида бири эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этишдир. Уларнинг яратилиши хорижий капитал (ноу-хау, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор усуллари, замонавий илғор техника ва технология, менежмент) билан маҳаллий хом ашё, меҳнат ва илмий-техник ресурсларнинг қўшилишининг энг оптимал йўли ҳамдир. Эркин иқтисодий ҳудуд - савдо, ишлаб чиқариш, молиявий, технологик каби муносабатларнинг ўта концентрациялашган ўчоғидир. Бу ўчоқ ўзига хос молиявий, маъмурий, солиқ, божхона, валюта тартибини ўзида мужассамлаштиради. Бу ҳудудларни яратиш, уларнинг яхши фаолият юритиши учун эса, албатта, пухта ўйланган сиёсат талаб қилинади. Ташкил этилажак ҳудуд иқтисодиётни эркинлаштиришнинг, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг бозор механизмларини синаш полигонига айланади, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро таъсирни ўрганиш лабораторияси бўлади.

Ҳозирги пайтда планетада 7000 дан ортиқ эркин иқтисодий ҳудуд (бундан кейин –ЭИХ)лар бўлиб, улар иқтисодиётнинг турли соҳаларига ихтисослашган. Туризмга ихтисослашганлар сони эса 300 дан ошади. **Туристик** ҳудудлар етарли миқдорда тарихий- маданий кадрият объектлари, табиий, рекреацион потенциалга эга бўлган регионларда жойлашади. Туризмга ихтисослашадиган ЭИХларни ташкил қилишдан асосий мақсад рекреацион-туристик хизматларни кўрсатиш ва майдон потенциалидан самарали фойдаланиш учун ташқи иқтисодий алоқаларни фаоллаштиришдан иборат. ТЭИХларнинг ўзига хос хусусияти хизмат кўрсатиш соҳасида (биринчи навбатда - туризмда) хорижий инвестицияларни киритиш учун қулай шароитни яратиш, хорижий фуқароларнинг келди-кетди тартибини соддалаштириш, имтиёзли кредитлаш, солиқ солиш ва бошқалардан иборат [1.,4.].

Туристик ҳудудларни яратишдан мавжуд табиий ресурс потенциалини иложи борича самарали фойдаланиш, юқори рентабелли тарзда эксплуатация қилиш, уларни асраш, авайлаш, яхшилаш, хорижий валюталар оқимини рағбатлантириш, регионни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, янги иш жойларини барпо этиш каби мақсадлар қўйилади.

ТЭИХлар бошқа ҳудудлардан фарқли равишда, қуйидаги махсус шарт-шароитларни талаб қилади:

- махсус туристик моддий - техника базасининг мавжудлиги;

- махсус туристик инфраструктуранинг мавжудлиги;
- туристик хизматларнинг ассортименти етарли даражада ранг-баранглиги;
- туризмга ихтисослашган малакали ходимларнинг мавжудлиги;
- туристик хизматларга талабнинг етарли даражада бўлиши;
- транспорт шаҳобчаларининг етарли даражада ривожланганлиги ва бошқ.

Туризм бўйича ЭИХ яратишда территориал ёндашувни ҳам, ташкилий-хўжалик ёндашувини ҳам қўллаш мумкин. «Буюк ипак йўли»нинг шаҳарлари Бухоро, Хива, Самарқанд ва Тошкентда шундай ЭИХларни яратишдан мақсад - хорижий ва миллий инвестицияларни туризмга жалб этиш, шу йўл билан бу тармоқни Ўзбекистон иқтисодиётининг энг устувор тармоғига айлантириш, «Буюк ипак йўли»даги маданий бойликларни асраш, тиклаш, миллий туризмни жаҳон туризмига интеграциялашувини таъминлашдан иборат [1.,3.,6.]. Етарли туристик потенциалга эга Ўзбекистоннинг ўндан ортиқ йирик шаҳридан тўрттаси бу соҳани ривожлантиришга жуда юқори потенциалга эга. Бу шаҳарлар Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Хива. Булардан Тошкентда туризмга ихтисослашган ЭИХ яратиш тавсия этилмайди. Чунки хориж тажрибасидан маълумки, сиёсий ва бошқа айрим мулоҳазалар туфайли пойтахтда ЭИХни ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб бўлмайди. Қолган уч шаҳардан Бухоро туристик ЭИХ яратишга энг қулай шаҳар, деб ҳисоблаймиз. Шунинг учун, биринчи навбатда, шу шаҳарда бундай худудни яратиш керак. Кейин эса бу тажрибага таяниб, Хива ва Самарқандда ҳам туристик ЭИХ яратиш мумкин. Бизнинг фикримизча, ҳеч қандай тажрибага эга бўлмай туриб учала шаҳарда бирданига жуда катта инвестицион, ижтимоий – иқтисодий лойиҳани бошлаш мақсадга мувофиқ эмас, ҳатто, хавфли ҳамдир. ТЭИХни биринчи навбатда Бухорода яратиш мақсадга мувофиқлиги сабаблари куйидагилардир:

-Тошкент, Самарқанд, Қарши, Хива, Ургенч ва Ўзбекистоннинг бошқа кўпгина шаҳарлари қандайдир тарихий сабаблардан сўнг бир неча марта ўз ўрнашиш жойларини ўзгартирдилар. Фақатгина Бухоро вайроналардан кейин, яна ўзининг олдинги жойида ўрнашди. Шунинг учун ҳам туристларга кўплаб даврлар тўғрисида маълумотлар бера оладиган турли даврларнинг тарихий обидалари ва архитектура ёдгорликларига эга.

-Бошқа шаҳарлар билан таққослаганда, Бухоро шаҳрининг Марказий Осиёда мавжуд бўлган турли давлатларда энг кўп муддат пойтахт бўлиб келганлиги аён бўлади (Бухорхудотлар Сомонийлар, Шайбонийлар ва бошқалар). Ҳар бир давлат, ҳар бир династия шаҳар учун ўзига хос бойлик, кадрият, из қолдирган, улар эса ўз навбатида туристлар учун кўришга арзийдиган нарсаларга айланган.

-Арк 14 аср давомида Бухоро ҳукмдорларига хизмат қилган, бундай аналоглар дунёда деярли йўқ. Гарчи унинг асосий қисми 1920 йилда вайрон қилинган бўлса, уни қайта тиклаш мумкин, таъбир жоиз бўлса, Арк қайта тикланиши ҳам зарур. Тиклаш натижасида уни Москванинг Кремлига ўхшаб жаҳон аҳамиятидаги туризмнинг ажайиб гўшасига айлантириш мумкин.

-Кўпгина шаҳарлар ўз тарихий ёдгорликларини унда-бунда, бўлак-бўлак тарзда сақлаб қолган бўлса, Бухоро шаҳри ўзининг марказий қисмида

аждодлардан қолган бу ёдгорликларни бутун бир ансамбль сифатида, яхлит ҳолда сақлашга муваффақ бўлган. Эски шаҳарга тушган меҳмон ўзини Ўрта асрга тушгандек ҳис этади. “Бухоро очиқ осмондаги музейлар шаҳри” ёки “Бухоро шарқ марвариди” каби шоирона эпитетлар бу шаҳарни ўзига хос қадрга эга эканлигини характерлайди. Бу эса ўрта аср нафасини олишни хоҳловчи ўзига хос туристлар оқимини келтириб чиқаради. Бухоро цивилизациясида асрлар нафасининг қўшилиб кетиши, унинг такрорланмаслигидан далолат беради. Эски шаҳардаги уйларда ҳаёт олдингидек давом этаётгандек туюлади - одамлар ўрта асрлар расталарида савдо қилишади, ҳунармандлик устахоналари фаолият юритмоқда, масжид-мадрасалар зиёратчилар билан тўла - буларнинг барчаси қадимий, гўзал, аммо тилсиз тарихий обидалардан муҳимроқдир. Чунки кўпгина сайёҳларни халқимизнинг олдин қандай яшаганлиги, маиший турмушлари қандай бўлганлиги, миллий таомлари, миллий кийим-кечаклари, байрамлари, халқ ҳунармандчилиги, миллий саноати кабилар кўпроқ қизиқтиради. Дунёдаги миллионлаб кишилар қадимий ёдгорликларни шунчаки четдан туриб томоша қилишни эмас, балки ўша давр нафасини ҳис этишни исташади. Бухоро бундай юқори қадриятни бера олиш қобилиятига эгадир.

-Бухоро асрлар давомида илм-фан, маданият ва савдо соҳасида ривожланган шаҳарлардан бири бўлиб келган. У ўрта аср бошлариданоқ бутун Туроннинг маданият, дин ва маърифат маркази бўлиб келган. Бу ерга нафақат ўз қарвонлари билан савдогарлар келишган, узоқ-яқин давлатлардан элчилар ашриф буюрган, балки зиёратчилар ва сайёҳлар ҳам келишган. Буларнинг ҳаммаси Бухоронинг туристик потенциали катта эканлигидан далолат беради[4.550-552.].

Демак, ТЭИХ яратиш имконияти кўриб чиқиилар экан, айнан Бухорода шундай ЭИХ яратиш мақсадга мувофиқдир. Бухорода яратиладиган ТЭИХда тегишли шарт-шароитлар яратилган тақдирда, у қисқа вақт ичида Испаниянинг Гранада ёки Севильяси каби жаҳоннинг туристик марказларидан бирига айлана олади. Бунга тўла асос ва имкониятлар мавжуд. Туризм яхши ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳудудий туристик маҳсулот индивидуал туристик маҳсулотдан, ҳатто турли хил индивидуал туристик маҳсулотлар йиғиндисидан анча жозибалидир. Шунинг учун ҳам бутун бир районни яхлит бир жозиба объекти бўлиши устида иш олиб бориш керак. Бизнинг мисолда бутун Бухоро ҳудудида яхлит ҳудудий гармоник туристик маҳсулот яратиш устида ишлаш керак. Бу ўз навбатида регионда ЭИХ яратиш зарурлигини янада актуаллаштиради.

ЭИХ яратиш мамлакатнинг иқтисодий рақобатбардошлигини оширишнинг синалган ва энг самарали қуролидир. ЭИХ - бу мамлакатнинг имижига ҳамдир. ЭИХлар ҳатто етарли даражада фаолият юритмаган тақдирда ҳам мамлакатни либераллашувига хизмат қилади. ЭИХнинг фаолият юритиш механизмлари чуқур ўрганилиб, сўнгра оқилона ёндошилганда, унинг фаолият юритиш механизмларини чуқур ўрганилиб, сўнгра оқилона жорий этилганда, у мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан юқорироқ даражага олиб чиқиш имконига эга. ЭИХ қайси мамлакатда, унинг қайси регионда яратилмасин, у ижтимоий лойиҳалардир. Ҳудудни яратиш нафақат ҳудуд учун қўшимча даромад

келтиради, балки бутун мамлакат учун турли шаклда фойдали қайтим беради, жумладан:

- халқнинг фаровонлик даражаси кўтарилади;
- шаҳар обод, кўркам гўшага айланиб кетади;
- янги иш ўринлари яратилади, яъни ишсизлик камаяди;
- мамлакат учун (давлат бюджетига ҳам) валюта тушумларининг ўсишига имкон беради;
- туризм иқтисодиёти билан бирга турист учун ишлайдиган регионнинг бошқа тармоқлари, яъни хизмат кўрсатиш соҳалари, транспорт, қишлоқ хўжалиги кабилар ривожланиб кетади;
- хорижий инвесторлар билан мулоқот қилишга имкон берувчи фирмалараро коммуникацияни яратади;
- иқтисодий маданиятни, шу жумладан, тадбиркорлик маданиятини халқаро даражага кўтаради хорижий тилларни билиш даражаси кўтарилади, бу эса фақат туризм учунгина эмас, балки иқтисодиётнинг бошқа соҳалари учун ҳам керак;
- туризм ривожланиши билан кишиларнинг хорижликлар билан мулоқот қилиш имкониятини оширади ва мулоқот қилиш маданиятини юқорироқ кўтаради, бу эса ўз навбатида ўзбек менталитетининг янада бойишига олиб келади;
- муомала қилиш, жумладан, бизнес маданиятини ўсишига олиб келади;
- ҳудуднинг иқтисодий тараққиёти кўшни ҳудудлар ва бутун мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади;
- ҳудудда янгича ишлаётган мутахассис кадрлар илғор тажрибани ўзлаштириб, секин – аста уни ҳудуддан ташқаридаги корхоналарга ҳам ёядилар, умуман олганда яхши кадр даромадни янада оширади;
- мамлакатдаги инфраструктуранинг фойдали иш коэффиценти кўтарилади;
- мамлакатда рақобат самарасини беради, яъни ҳудуддаги корхоналар ҳудуддан ташқарида жойлашган корхоналарни ўзлари билан рақобат қилишга мажбур қилади;
- “Тадбиркорлик сифати самараси” ни беради, яъни ЭИХ атрофида халқаро стандартлар таркиб топади, ривожланади (маҳсулот сифати, инфраструктура даражаси, бизнес муносабатларида, профессионал менежмент масалаларида).

“Бухоро” ТЭИХ(бундан кейин - БТЭИХ)ни ташкил этишдан асосий **мақсадлар** қуйидагилардан иборатдир:

- Иқтисодий эркинликни кенгайтириб, республикани бозор иқтисодиётига қараб ҳаракатини тезлаштиришдан иборат.
- Ички ва ташқи инвестицияни жалб қилган ҳолда Бухорони дунёнинг туризм марказларидан бирига айлантириш, туризм соҳасини эса, республика иқтисодиётининг устувор тармоқларидан бирига айлантириш.
- Республикада энг мураккаб ва долзарб муаммолардан бири – ишсизликни юмшатишдан иборат.

- Мамлакат иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга имкон берувчи валюта оқимларини ошириш.
- Аҳолининг турмуш даражасини кўтариш.
- Марказий Осиё халқларининг тарихий, маданий меросини асраш, қайта тиклаш ва янада ривожлантириш.

ЭИХлар фаолияти нафақат алоҳида регион иқтисодиёти, балки бутун мамлакат иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган. Шунинг учун ҳам ЭИХлар яратиш регионал масала эмас, балки бутун мамлакатнинг муаммосидир.

Бухорода туристик эркин иқтисодий ҳудуд яратишда марказий ҳукумат олдида айрим вазифаларни юклашга тўғри келади:

Биринчи навбатда, эркин иқтисодий ҳудудларни яратиш, тартиблаш ва бошқа жиҳатларига таалуқли ишларни амалга оширишни ўз ичига олувчи махсус сиёсатни олиб бориши керак. Буни зонал сиёсати деб номлаш мумкин. Зонал сиёсат – бу мамлакатда ЭИХларни яратиш бўйича ҳамда регион, тармоқ, соҳа ва алоҳида корхоналарнинг потенциални чуқур ўрганиб, ушбу потенциални реализация қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича давлатнинг олиб борадиган чора - тадбирлар мажмуаси бўлиб, унга мамлакатда шаклланган меҳнат тақсимотини самарали ривожланишини режалаштиришнинг бир куроли, деб қараш керак. Мамлакатда мавжуд ресурсларни самарасиз ишлатилаётган соҳа, тармоқ ва регионлардан жуда самарали ишлатиб бўладиган соҳа, тармоқ, регионга оқишига кўмаклашувчи восита деб қараш зарур. Зонал сиёсат мамлакатда ЭИХлар эркин ва самарали фаолият юритиш учун умумдавлат миқёсида шароитни яратишга хизмат қиладиган сиёсатдир, бунинг учун эса:

✚ БТЭИХ самарали фаолият юритиши учун, авваламбор, норматив ҳужжатлар, қонунларни пухта ўйлаб тайёрлаш ҳамда Олий мажлис ва Сенат томонидан тасдиқлаш зарур;

✚ ҳудудлар яратишнинг умумий тамойил ва шарт-шароитларини ишлаб чиқиши керак;

✚ ҳудудни ташкил этиш ва ликвидация қилиш тартибларини белгилаши керак;

✚ БТЭИХ маъмурияти ваколатини аниқ белгилаш ҳамда марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ўзаро муносабатларини аниқлаштириб олиш керак;

✚ БТЭИХнинг ташкилий - бошқарув структураларини аниқлаб олиш ва уларни ташкил этиш, шу билан бирга ҳудуднинг субъектлари ва объектлари билан ўзаро муносабатларини ҳам белгилаш зарур;

✚ солиқ солиш ва солиқ имтиёзлари тизимини белгилаши керак (Ўзбекистон каби транзитар давлатлар учун ЭИХлар яратишда имтиёз бериш муҳим, аммо иқтисодий эркинлик, биринчи навбатда, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини бериш ўта муҳимдир);

✚ валюта тартибини аниқлаб бериши керак(иложи борича ҳудудда ишлайдиган махсус пул тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир);

✚ ўзаро ҳисоб- китоблар тартибини белгилаши керак(иложи борича ҳудуд учун махсус банк механизмини яратиш керак-ки, у ҳозирги фақат давлат хазина ташкилотини ташкил қиладиган банклардан тубдан фарқ қилсин);

✚ божхона чегаралари ва тартибини белгилаб бериши керак(ҳудудда фаолият юритадиган корхоналар хориж билан алоқада, жумладан, кадрлар билан алмашувда, ускуна ва бошқа техникаларни келтиришда, хизматларни экспорт қилишда махсус шароитга эга бўлиши керак);

✚ ҳудуд учун махсус милиция тизимини, яъни туристик полицияни фаолият юритишини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир;

✚ ҳудудда молия - кредит сиёсатларининг тамойилларини белгилаш керак(ҳудуд учун молиялаштириш ва кредитлашнинг ўзига хос тизимини ишлаб чиққан мақсадга мувофиқдир);

✚ хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиши керак(марказий ҳукуматга мурожаат қилмасдан ўз муаммоларини ҳал қила оладиган тизим бўлиши керак).

✚ мамлакатнинг умумий инвестицион муҳитини борган сари яхшилаб боришдан, хориждан инвесторлар кизиқиб, манфаатдор бўлиб келадиган даражада жозибатор қилишдан иборат(Бунда яна шуни унутмаслик керакки, ҳозирги даврда кўплаб давлатлар хориждан инвестиция овлаш илинжида ўзида қулай инвестиция муҳит яратиш устида ишлашади. Жаҳон бозорида бу масалада рақобат анча ашаддийлашиб бормоқда).

✚ ЭИХлар фаолиятининг салбий оқибатларини бартараф этиш ёки минимумга келтиришдан иборат. Бўлиши мумкин бўлган негатив оқибатларни бартараф этишнинг иқтисодий механизмини яратиши керак(негатив оқибатларни ким аниқлайди, ким бартараф қилади ва ҳудуд фаолиятига салбий таъсир қилмай қандай бартараф қилинади);

✚ Чунки ўз ҳолига ташлаб қўйилган ЭИХлар қуйидаги салбий оқибатларига эга бўлиши мумкин:

- мамлакатдаги иқтисодий тартибни дезинтеграция қилиши мумкин;
- бошқа регионлардан ресурсларнинг ҳаддан ташқари кўп оқиб келишига сабаб бўлиши мумкин;
- ноқонуний иқтисодий фаолият учун жозибатор бўлиши мумкин;
- имтиёзларга эга бўлиш учун бошқа регионларни ҳукуматга талаби кучайиши мумкин.

Хуллас, марказий ҳукумат ҳудуд учун махсус бошқариш тизими, солиққа тортиш тизими, божхона тизими, молия ва кредит тизими, зонал, паспорт, виза тизими, зонал пул ва валюта тизими, зонал меҳнат, ижтимоий муносабатлари ва бошқа муносабатларни тартибга соладиган тизим ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

ЭИХлар жаҳон бўйича жуда тез тарқалаётганлиги натижасида, у махсус товарга айланиб бормоқда. Бу товарни реализацияси эса ҳар қандай товар сингари талаб ва таклиф динамикасига боғлиқ. Бунда инвестициялаш тўғрисида қарор қабул қилиш жараёнида инвестор билан ҳудуд манфаатларининг келишуви жуда муҳим аҳамият касб этади. Қарор қабул қилиш ёки қилмаслик у ёки бу ЭИХнинг тақдирини, ҳудуд фаолиятининг муваффақияти ёки

муваффақиятсизлигини белгиловчи муҳим омилдир. Шу боис маҳаллий ҳукуматнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳудудларнинг мамлакат ичида ва мамлакатдан ташқарида яхши номга эга бўлиши учун қайғуриши, яъни уларнинг имижини сақлаб туриш ва кўтариш устида бош қотириш бўлиши керак. ЭИХнинг имижини эса, қуйидаги омилларга боғлиқ:

- Давлат идораларининг ишлай олиш қобилияти, шу жумладан, бюрократларнинг иқтисодий маданияти;
- Аҳолининг маданий даражаси;
- Маҳаллий аҳолини, биринчи навбатда бизнес аҳлининг жаҳон тилларини билиш даражаси;
- Умумий иқтисодий маданият даражаси;
- Транспорт, коммуникация тизими ва ободончилик ҳолати;
- Тадбиркорлик маданияти ва инноваторлик даражаси;
- Жиноят даражаси;
- Жамиятнинг шаффофлик даражаси;
- Ҳудуднинг иқтисодий салоҳияти;
- Ҳудуддаги туризм ресурсларининг ўзига хос, такрорланмас жиҳатлари;
- Табиий, иқлимий шароити;
- Керакли маълумотни тезкор ҳолда топа олиш имконияти;
- Юридик қонунларнинг ишлай олиш даражаси;
- Мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий барқарорлик;
- Инвесторни ҳимоя қиладиган қонун ва норматив ҳужжатларнинг мавжудлиги ва сифати;
- Мамлакатнинг умумий имижини.

Хуллас, марказий ва маҳаллий ҳукумат идоралари мамлакатдаги ТЭИХнинг имижини яхшилаш учун шу борада доимий равишда иш олиб боришлари керак.

-Туризм бўйича махсус телеканал ташкил этиш ва бу канални ҳеч бўлмаганда Ўзбекистон республикасининг халқи кўра олиши чораларни қилиш;

-Бутун шаҳарни озод, кўркам, мафтункор бўлиши учун доимий равишда иш олиб бориш;

-Коммунал ва бошқа инфратузилма тизимларини ривожланган мамлакатлар даражасида ишлашни таъминлаш;

- ҳудуд(ва умуман шаҳар) доирасида Бухоронинг мафтункорлигига салбий таъсир келтирадиган ҳаракатларга қарши архитектура - қурилиш жиҳатдан қаттиқ назоратни йўлга қўйиш.

Ҳудуд самарали ишлаши учун катта ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклатилган дирекция ташкил этилиши керак ва у қуйидаги **вазифалар**ни ҳал этиш учун бор кучини сафарбар қилиши зарур:

-БТЭИХини ривожлантиришнинг ягона дастурини ва уни ҳаётга тадбиқ этиш механизмларини ишлаб чиқиш;

-ҳудудга инвестицияларнинг келишига халақит берувчи тўсиқларни аниқлаш устида тадқиқотлар олиб бориш ва уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- ЭИХ субъектларининг эркин ҳаракат қилишига ва фаолият юритишига ҳалақит берувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш чораларини кўриш;
- БТЭИХида бронлаштиришнинг компьютер тизимини яратиш, кейинчалик эса бутун Ўзбекистондаги туроператорлар ва турагентларини ягона бир тизимга бирлаштириш;
- Дунё миқёсида БТЭИХ имижини яратиш, бу имижни кўтариш устида доимий равишда иш олиб бориш (реклама, “паблик рилейшнз” ва бошқалар);
- Туризм соҳаси учун кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш бўйича олиб бориладиган фаолиятларни координация қилиш;
- Мулкчилик муносабатлари масаласида зонал сиёсат юргизаётганда ҳудудда хусусий бизнес ҳукмронлик қилиши зарурлигини инобатга олиш зарур. Ишлаб чиқариш борасида давлат мулкчилигининг мослашувчанлиги пастроқ кетганлиги ҳамда давлат мулкига асосланувчи корхоналарда рақобат муҳити кучли эмаслиги туфайли ЭИХда давлат мулкчилигини иложи борица минимумга келтириш, хусусий ташаббусга кенг йўл очиш керак. Бу ўринда инглиз олими Ротбарднинг бир цитатасини келтириш ўринлидир: «Давлат мулки ҳажми қанча катта бўлса, жамиятнинг иқтисодий йўқотиши шунча катта бўлади» [2.273.].
- худуд доирасида антимонопол фаолият олиб бориш ва ҳалол рақобатни ҳар томонлама қўллаб - қувватлаш;
- Экологик, санитария шароитларини назорат этиш;
- туристик ва бошқа ресурсларни авайлаб- асраш;
- худуд резидентларининг манфаатларини ҳимоя этиш;
- ўз молиявий тизимини назорат этиш ва такомиллаштириб бориш;
- БТЭИХ фаолияти доирасини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича иш юритиш.

Бундан ташқари, бу ТЭИХ кўплаб корхона, ташкилотларни ўз ичига олувчи катта бир майдонда фаолият олиб бориши туфайли ҳокимият вакиллари, регионнинг обрўли тадбиркорлари, олимлардан иборат кузатув кенгашини ҳам тузган маъқулдир. У бошқариш қўмита ҳал қила олмаган масалаларни ҳал қилишга ҳаракат қилади ҳамда ТЭИХ фаолиятига алоқадор корхона ва ташкилотларнинг ишини координация қилади. ТЭИХ иши янги бўлганлиги учун қўмитанинг ҳар бир иши ва лойиҳасини махсус ваколатга эга бўлган экспертлар кенгашидан ўтказиш мақсадга мувофиқдир. “Бухоро” туристик ЭИХни бошқариш ишига, биринчи навбатда экспертлар кенгаши таркибига, иложи борица хорижий мутахассисларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пугач И. Экспортный потенциал туризма в Узбекистане. //Ж: Экономическое обозрение.- 2005. № 6 (69).- с.32 -40.
2. Ротбард М. Власть и рынок. Государства и экономика. Челябинск. “Социум”, 2003. / пер.с англ.Б.С. Пинкера. под. ред. Г.Р. Сапова. 415с.
3. Таксанов А. Туризм как фактор стабилизации экономики. //Ж: Рынок, деньги и кредит. - 1998г. июнь. 6-9 с.

4. Хамроев Х.Р. О необходимости создания свободной экономической зоны в Узбекистане. //Тезисы и доклады международной научно – практической конференции на тему: «Социально - экономические проблемы переходной экономики» (опыт, обобщения, закономерности). Санкт-Петербург. 3- 4 июня 2005г. Стр.550-552.
5. Хамроев Х.Р. О необходимости и целесообразности создания свободной экономической зоны по туризму в Бухарском регионе. /Вестник Бишкекского Государственного университета экономики и предпринимательства. Ежеквартальный научно-практический журнал. 2, 2006. 110-111 стр.
6. Хамроев Х.Р. Зонал сиёсат: методология, хорижий тажриба ва қўллаш йўналишлари. Монография. Тошкент. “Фан” нашриёти. 2008й. 352 бет.
7. Шагазатова М. «Иностранные инвестиции в развитие туризма». //Ж: Экономический Вестник Узбекистана. - № 4, 1999г.

KYOTO'S STRATEGIC TOURISM DEVELOPMENT

Hirohiko Takata
Consultant of Japan International Cooperation Agency
Japan

Now, I would like to move to the history of tourism development plans formulated by the City of Kyoto.

The city government formulated its first development plan in 2001 for following 10 years.

The objective of the first plan has just quantitatively targeted to acquire 50million visitors consists of the Japanese and foreigners. In order to increase the numbers of tourist, the city government had taken 100 activities and the target was attained in 2008.

After attaining the first target, they formulated 2nd tourism development plan for 2010 to 2014.

In the 2nd plan, they newly set a qualitative objective of enhancing quality of tourism in addition to the quantitative target of annual visitors.

They are aiming to be a city which can strike a cord with people of the world through diversifying tourism style and improvement of its quality, – and enhance the excellence of Kyoto as a tourist city.

At the same time they started Kyoto MICE Strategy. MICE is the acronym which stands for Meeting, Incentive tour, Convention, and Event & Exhibition, and they has been trying to develop and strengthen those type of tourism as the diversification of their tourism style.

Under the 2nd development plan, they had planned and implemented 116 projects to develop their quality tourism and enhance value of trip to Kyoto, in cooperation with various relevant policies such as industrial development, urban & transport development, cultural, environmental and public health policies.

MUNDARIJA

Бухоро вилоят ҳокими Ў. И. Барноевнинг «Ипак ва зираворлар» фестивали доирасида “Бухоро туристик эркин иқтисодий ҳудудини яратиш имкониятлари ва ривожланиш истиқболлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциясидаги кириш сўзи	3
MAIN ASPECTS OF TOURISM DEVELOPMENT STRATEGY IN UZBEKISTAN <i>Utkirjon Kholbadalov, Head of Division State Committee of the Republic of Uzbekistan for Tourism Development</i>	5
ТУРИЗМ УЧУН КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ <i>Абдуқобил Тўлаганов, т.ф.д., профессор Бухоро давлат университет ректори Аброр Жўраев, и.ф.н., доцент Туризм факультети декани</i>	9
1-шўъба/section #1/секция №1	
БУХОРОДА ТУРИЗМГА ИХТИСОСЛАШГАН ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ҲУДУД ЯРАТИШ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ <i>Ҳ.Р.Ҳамроев - Бухоро давлат университети "Туризм" кафедраси мудири, и.ф.н., доцент</i>	13
KYOTO'S STRATEGIC TOURISM DEVELOPMENT <i>Hirohiko Takata Consultant of Japan International Cooperation Agency, Japan</i>	21
TOURIST SPECIAL ZONE (FREE TOURISM ECONOMIC ZONE) IN BUKHARA <i>Kwang Nam KIM, Consultant of Korean International Cooperation Agency, Republic of KOREA</i>	23
ПРОБЛЕМЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ И ТИПОЛОГИЯ “ТУРИСТСКИХ ДЕСТИНАЦИЙ” <i>Курпаяниди К.И., PhD, профессор Российской академии естествознания, Ферганский политехнический институт, г. Фергана, Узбекистан Левченко Татьяна Павловна, D.Sc., профессор Сочинский государственный университет, Сочи, Россия</i>	26
SMALL PROPOSAL FOR TOURISM DEVELOPMENT OF BUKHARA <i>Kang Heechun, KOICA Volunteer Instructor in Bukhara State University</i>	32
ОЦЕНКА ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ГОСТИНИЧНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ КРП <i>Шарипова Хадича Рустамовна, Махкамов Фуркат Фозилович ассистенты кафедры менеджмент и маркетинга ТНУ, г. Душанбе, Таджикистан</i>	37